

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

421 «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг газна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1599-2

(2009 йил 26 сентябрдан кучга киради)

«Бюджет тизими тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2 сон, 6-модда) ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 9-сон, 164-модда) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ–532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 26-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 12 июлдаги 61, 279-В-сонли «Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг газна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1599, 2006 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 296-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 14 ноябрдаги 97, 279-В-1-сонли «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг газна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1599-1, 2006 йил 25 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 48 — 50-сон, 490-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 4 август,
70-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 4 август,
20/8-сон